



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 24 июнь, СЕШАНБА


Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 123 (12.684)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Отабек Мирзоатов (ЎЗА) олган сурат

Абитуриент — 2014

ОЛТИН ДАВР ОСТОНАСИДА

Мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларида
2014/2015 ўқув йили учун қабул жараёни бошланди.

Мамлакатимизда ҳар бир шахснинг билим олиши, меҳнат қилиши ва эркин касб танлаши Асосий Қонунимизда кафолатланган. «Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ амалга оширилаётган таълим-тарбия жараёни ҳар бир ўғил-қизнинг орзу-интилишларини рўйбга чиқариш, ўзи хоҳлаган касбни танлаш, жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашига имкон бермоқда.

Юртимизда ёшларнинг олий маълумотли бўлишга интилиши йил сайин ортиб бораётди. Масалан, 2012 йилда барча олий таълим муассасаларига 432 минг абитуриент ҳужжат топширган бўлса, 2013 йилда 480 мингдан зиёд йигит-қиз университет ёки институтда ўқиш иштиёқини билдирган.

Мамлакатимиздаги отахон ўқув юртиларидан бўлган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қабулнинг биринчи куниданоқ ўз билимига ишончи мустаҳкам ёшлар, уларни руҳан ва маънан қўллаб-қувватлаб турган ота-оналар билан ҳар йилгидан-да гавжум.

— Университетнинг хорижий филология факультетига ўқишга кириш учун ҳужжат топширдим, — дейди самарқандлик Асқар Шодиев. — Мактаб ва лицейда олган билимларим қўл келишига ишонман. Мамлакатимизда ўқишга кириш имтиҳонларини ўтказиш бўйича изчил тизим жорий этилганини хурсанд қилади. Зеро, замонавий илм-фан, таълим ва ахборот технологияларига асосланган ҳолда амалга оширилган тест синов-

лари абитуриентларнинг билим даражасини аниқ ва ҳолисона баҳолаш имконини беради.

Шу ернинг ўзига абитуриентларга ҳужжат топшириш жараёнида зарур бўладиган ўқув қуроллари савдоси, суратга олиш, овқатланиш, кутувчиларнинг дам олиши учун махсус жойларнинг ташкил қилингани университетда бу йилги қабул жараёнига пухта тайёргарлик қўрилганидан далolat беради.

— Қабул жараёни Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 30 апрелдаги Республика олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисидаги Қарори асосида амалга оширилмоқда, — дейди университет қабул комиссияси масъул котиби Икром Турсунов. — Таълим муассасамизда қабул комиссияси фаолияти, абитуриентлардан қабул қилинган ҳужжатлар ҳамда бошқа зарур маълумотни жойлаштириш учун махсус эълон тахталари ташкил этилган ва улар ҳар кун янгилаб борилади. Фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва уларга тезкор жавоб бериш мақсадида «ишонч телефонлари» ишлаб турибди.

Тошкент архитектура-қурилиш институтида ҳам абитуриентлар ҳужжатларини қабул қилиш жараёни намунали ташкил этилган. Ота-оналар учун ландшафт дизайни асосида барпо этилган кичик майдонча таълим даргоҳи ва бу ердаги илмий-иқодий муҳит ҳақида дастлабки тасаввурни беради.

(Давоми 3-бетда)

БМТ ЕВРОПА ИҚТИСОДИЁТ КОМИССИЯСИ МИССИЯСИНING ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини юксалтириш Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб амалга ошириб келинаётган ислохотларнинг устувор йўналишидир. Ушбу мақсадни амалга оширишда уй-жой қурилиши ва бу борадаги тегишли инфратузилмани ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2009 йилдан буён амалга ошириб келинаётган қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши дастури ушбу соҳа ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Дастур доирасида сўнгги 5 йилда мамлакатимизнинг 159 қишлоқ туманида 900 дан зиёд янги қишлоқ уй-жой массивлари барпо этилиб, намунавий лойиҳалар асосида майдони 4,5 миллион квадрат метр бўлган 33,5 мингдан ортиқ яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, қишлоқ жойларда барпо этилган янги массивларда 750 километр автомобиль йўллари, узунлиги 1,6 минг километрдан зиёд ичимлик сув қувурлари, 1,2 минг километр электр ва газ таъминоти тармоқлари, 800 дан ортиқ ижтимоий, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектилари қурилди.

Янги қишлоқ массивларининг барпо этилиши ижтимоий объектлар, жумладан, замонавий мактаблар, қишлоқ врач пунктлари, мини-банклар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар спорт майдонлари ва бошқа иншоотлар қурилиш, умуман, инфратузилмани ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ уй-жой қурилиши комплекс ривожлантириш бўйича қисқа муддатда эришилган натижалар 2013 йилнинг апрель ойида Тошкентда ўтказилган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омил» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари томонидан юксак эътироф этилди. Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги муваффақиятли тажрибасини намоён этиш ва мамлакатимизда уй-жой секторига амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда уй-жой ҳўжалиги ва ердан

фойдаланиш шарҳини тайёрлашга қарор қилинди.

Таъкидлаш жоизки, миллий шарҳларни тайёрлаш БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг Уй-жой ҳўжалиги ва ердан фойдаланиш бўйича кўмитаси фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Кўмитанинг юқори малакали мутахассислари тайёрлаётган миллий шарҳлар уй-жой ҳўжаликлари, шаҳарларнинг ривожланиши ва ер ресурсларини бошқаришни таҳлил этиш, уй-жой ҳўжалиги ва ердан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олади. Мазкур шарҳлар мамлакатларга ушбу соҳадаги ўз ютуқларини минтақадаги бошқа давлатлар тараққиёти билан таққослаш имконини беради.

БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси миллий шарҳларни 1996 йилдан буён тайёрлаб келмоқда ва Ўзбекистонда уй-жой ҳўжалиги ва ердан фойдаланиш шарҳини тайёрлаш бошқа халқаро ташкилотларда ҳам алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Хусусан, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси шарҳни тайёрлашда техник ва молиявий кўмаклашиш, Жаҳон банки эса ердан фойдаланиш соҳасида айрим жараёнларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга маслаҳат ёрдамчини кўрсатишни тақдир этди.

БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг миллий шарҳни тайёрлаш жараёнига бевосита жалб этилган халқаро экспертлар миссияси бу борада амалга оширилаётган ишлар билан танишиш учун жорий йил 11 июнда Ўзбекистонга келди.

Халқаро маслаҳатчилар миссиясининг ташрифи доирасида шу йилнинг 12-13 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан БМТ Тараққиёт дастури ва Жаҳон банки кўмагида Тошкентда «Шаҳарсозлик ва ер тузиш соҳасидаги ёндашувлар ва энг яхши амалиёт» мавзусида семинар ўтказилди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юртининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва офицерлик унвонларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбир якунида билим юрти курсантлари, ҳарбий оркестр ва санъаткорлар иштирокида бадий дастур ҳамда ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари намоён этилди.

● Жиззахда «Юрт келажиги» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман босқичларида сараланган 200 нафардан зиёд ёш архитектура ва дизайн, ахборот-коммуникация технологиялари, рационализаторлик тақлифлари, техник лойиҳа ва ишланмалар, анъанавий ва амалий санъат, адабиёт каби 15 йўналишда ўз иқтидор ва қобилиятини намоён этди.

● Бешарик туманида «Маҳаллам — фахрим менинг, тинчлигим — бахтим менинг» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Фарғона вилояти ҳокимлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маҳалла фаоллари, тадбиркорлар, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Сирдарёда «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган ушбу тадбир вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди.



● Боливия шимолида йирик йўл-транспорти ҳодисаси содир бўлди. Оруро ҳамда Ла-Пас департаментларини бир-бири билан боғлаб турувчи шосседа автобус ва юк машинаси тўқнашиб кетган. Оқибатда 16 киши ҳаётдан кўз юмган. Бир неча нафар одам шифохонага ётқизилган.

● Ўтган ойда Буюк Британияда автомобиль ишлаб чиқариш ҳажми апрелдагига нисбатан 9,8 фоиз пасайди. Таъкидланишича, маҳаллий бозор учун етказиб берилаётган автоуловлар сони ҳам 21,9 мингга камайган. Лекин йил бошдан буён қайд этилган натижалар умумий аҳвол қониқарли эканлигини кўрсатапти.

● Швециянинг «Hennessy & Mauritz» либослар дўконлари тармоғининг даромадлари тўрт йиллик рекордни янгилади. Дунёда катталиги бўйича иккинчи ўринда турувчи мазкур компания март ойидан майгача 644 миллион евро микдорида даромад олишга эришди.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида қишлоқ ҳўжалигида меҳнат самарадорлигини янада ошириш, соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этадиган лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тизимига халқаро молиявий ва иқтисодий институтларнинг маблағлари кенг жалб этилмоқда. Жумладан, кейинги беш йилда хорижий инвестициялар ҳисобидан бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди. Натижада 100 минг гектар сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолати яхшиланиб, 125,8 минг гектар сугориладиган майдоннинг сув таъминоти кафолатланди.

2010 йилда бошланган «Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш» лойиҳаси узок муддатга мўлжалланган бўлиб, қиймати 65 миллион АҚШ долларидан ортиқ мазкур лойиҳа Жаҳон банки томонидан молиялаштирилмоқда. Коллектор-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш, сугориш тизимларини таъмирлаш ҳисобига ер ости сувлари сатҳи пасайиб, ернинг унумдорлиги ортади. Лойиҳа туфайли Риштон, Олтиарик, Боғдод туманларидаги 48 минг гектар сугориладиган майдоннинг мелiorатив

ҳолатини яхшилаш, сув таъминоти ва сув ресурслари самарадорлигини ошириш кўзда тутилган.

«Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг ирригация-дренаж тармоқларини қайта тиклаш» лойиҳасига Ислам тараққиёт банки ва бошқа ҳамкорлар томонидан 81 миллион доллар маблағ ажратилган. 2009-2014 йилларга мўлжалланган ушбу лойиҳа натижасида 432 минг гектардан зиёд сугориладиган ер майдонларининг мелiorатив ҳолати яхшиланади ва сув билан кафолатли таъминланади.

Жорий йилда қишлоқ ҳўжалик экинларини сув билан кафолатли ва самарали таъминлаш, фермер ҳўжаликлари-ни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳага замонавий технологияларни татбиқ этиш ҳамда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштиришда қўл келувчи қўллаб лойиҳалар қабул қилинди. Бунда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 18 ноябрдаги 2014 йилги инвестиция дастури тўғрисидаги Қарори муҳим омил бўлмоқда.

— Соҳани янада юксалтириш мақсадида қарийб 131 миллион долларлик 15 лойиҳани амалга ошириш мўлжаллан-

моқда, — дейди Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Бузруқжон Жумабоев. — Бунда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки, Араб мувофиқлаштириш гуруҳи маблағларидан кенг фойдаланилади.

Мазкур лойиҳаларнинг бештаси Хитой билан ҳамкорликда амалга оширилаётди. Навоий вилоятидаги Қонимех-1, Касаб-2, Андижон вилоятидаги Асака-Адир ва Раиш-Хакант-2, Наманган вилоятидаги Қуқунбой насос станцияларини қайта таъмирлаш шулар сирасидан. Жорий йилда 13 миллион доллар маблағни ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, айни вақтга қадар Хитойнинг иккита компанияси билан усқуналар харид қилиш юзасидан шартномалар имзоланди.

Қиймати 260,7 миллион долларга тенг «Жанубий Қорақалпоғистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш-ни яхшилаш» лойиҳаси ҳам диққатга сазовор. 2014-2020 йилларга мўлжалланган мазкур лойиҳада белгиланган тадбирлар якунига етган, сув ҳўжалиги тизимида харажатлар сезиларли даражада камайди. Аҳоли яшаётган ҳудудлар ҳамда 100 минг гектар сугориладиган майдонни сув билан таъминлаш, ер эгаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, даромадларини ошириш имкони яратилади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ БУГУН Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Тошкент

шаҳрида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

✓ БУГУН Мирзо Улуғбек туманида жойлашган АТИБ «Ипотека банк» меҳнат филиалида «Оила жамиятнинг кўрғони» номи давра суҳбати уюштирилди.

✓ БУГУН Олмазор туман ҳокимлигида 26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши курашиш кунини муносабати билан «Гиёҳвандлик — аср вабоси» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралиги улар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, давлат органлари ва фуқароларнинг мунтазам алоқада бўлишини таъминлайди.

Зеро, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ушбу органлар фаолияти устидан ҳақоний ва самарали жамоатчилик назорати амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, уларнинг фаолияти, қабул қилган қарорлари тўғрисида фуқароларнинг бевосита хабардор бўлиши ҳуқуқини кафолатлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва фикрларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви фаолиятини очиқлигини таъминлаш қийин. Мустақиллик йилларида амалга оширилган оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ана шу мақсадга йўналтирилган.

Ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқлари амалга оширилишини, шунингдек, ахборот соҳасининг самарали фаолият юритишини кафолатлашга, оммавий ахборот воситаларининг эркин ва фаол ривожланиши ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашга қаратилган қонунчилик асослари яратилди. Бош қомусимизда Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги белгилаб қўйилган. Бу борада «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган.

2014 йил 5 майда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунини матбуотда эълон қилиниб, қучга киргани бу борадаги навбатдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган ушбу қонун, авваломбор, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ошқоралигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштирди. Шу билан бирга, аҳоли, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид маълумотлардан кенг хабардор бўлишга оид ҳуқуқлари кафолатини янада мустаҳкамлади.

Давлатимиз раҳбарининг фармойишига мувофиқ мамлакатимиз тарихида илк мартаба мазкур қонун лойиҳасининг қоидалари 2013 йил март-декабрь ойларида ҳуқуқий экспериментдан ўтказилди. Бу жараёнда қонун лойиҳаси қоидаларини амалда синаб кўриш, давлат органлари фаолиятининг очиқ-ошқоралигини таъминлаш, улар фаолияти тўғрисидаги ахборотлардан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, аҳолининг кенг фойдаланишига доир нормалари самарадорлигини баҳолаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳуқуқий эксперимент фуқароларнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш механизmlарини янада ривожлантиришга, шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг

Янги қонун қучга кирди

ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

қабул қилинаётган қарорлар сифати учун жавобгарлигини қучайтиришга хизмат қилди.

4 боб, 24 моддадан иборат янги қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартиби аниқ баён этилган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминловчи аниқ ҳуқуқий тартиб-таомиллар қамраб олинган.

Мазкур қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотга нисбатан киритилиши аниқ белгилаб қўйилган. Натижада фуқаролар бевосита давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиши, улар томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар тўғрисида ва бошқа маълумотларни олиши мумкин.

Қонунда ахборотдан фойдаланувчилар ва уларнинг ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот излашни амалга ошираётган жисмоний ёки юридик шахс ахборотдан фойдаланувчи ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш тартиби ҳам аниқ белгиланган. Хусусан, қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий нашрлари, расмий веб-сайтлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади.

Қонунда энг илғор ва демократик халқаро тажрибадан келиб чиқиб, ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қўриб чиқишнинг аниқ муддатлари белгиланган. Чунончи, ахборотдан фойдаланувчининг сўрови сўров рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмасдан қўриб чиқилиши, оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи фаолияти ҳақида ахборот олишга ҳамда мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этишга доир сўрови эса етти кундан кечиктирмасдан қўриб чиқилиши белгиланган. Мазкур қоида бир томондан, фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид ахборотни ўз вақтида олишларини кафолатласа, иккинчи томондан, оммавий ахборот воситаларининг янада тезкор ва самарали фаолиятини таъминлаш бора-сида қулайликлар яратди.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳузурида аккредитация қилинган оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Хусусан, улар бўлажак мажлислар, кенгашлар ва бошқа тадбирлар ҳақидаги ахборотни олдиндан олиш, аккредитация қилувчи орган томонидан белгиланган тартибда аккредитация қилувчи органнинг бинолари (хоналари) ва бошқа объектларида бўлиш, ўзини аккредитация қилган органлар томонидан ўтказиладиган мажлислар, кенгашлар, брифинглар (матбуот конференциялари) ва

бошқа тадбирларда иштирок этиш ҳуқуқига эга. ОАВ вакилининг ўзини аккредитациядан ўтказган орган масъул шахсларидан зарур ҳужжатлар ҳамда материалларни сўраш ва олиш, тадбирларга доир ёзувлар билан танишиш, улардан нусха кўчириб олиш, олинган ёзувлардан оммавий ахборот воситаларига материаллар тайёрлаш жараёнида фойдаланиш ва бошқа ҳуқуқлари таъминланади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун нормалари ривожланган демократик мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаларига тўла мос келади. Хусусан, бугунги кунда қўпчилик ривожланган мамлакатларда ҳукумат зиммасига қарорларнинг қабул қилиниши жараёнига дахлдор тўлиқ ахборотни жамоатчиликка тақдим этиш, давлат ҳокимияти органларининг фаолияти ҳақидаги ахборотдан эркин фойдаланишни таъминлаш мажбуриятини юкловчи қонунлар қабул қилинган.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қонун нормаларининг амалга татбиқ этилиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлайди. Ахборот олиш эркинлигини кафолатлашга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга, улар фаолиятига нисбатан аҳолининг ишончи ортишига, жамиятда демократиянинг янада ривожланишига хизмат қилади.

Улугбек ХУСАИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институтини бош илмий
ҳодими, юридик фанлар номзода.
(ЎзА)

ОФИЦЕРЛАР ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг навбатдаги битирувчилари хизмат вазишларини бажариш учун йўл олишди. Шу муносабат билан билим юртида тантанали тадбир ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда Қонунчилик палатаси, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари ва шунингдек, битирувчиларнинг ақинлари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимиз Ички ишлар тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида бугун бу соҳада замонавий касб кўникмаларига эга, юқори интеллектуал салоҳиятли офицер кадрлар тайёрланаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Бугунги кунда Ички ишлар тизимида офицер кадрлар ва курсантларнинг билим олиши, жанговар машғулотларни юқори савияда ўтатиш учун шароит яратиш, соҳани нуфузини янада ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Билим юртларида таълимнинг моделлаштириш, симуляцион ва бошқа замонавий усуллари, илғор педагогик ва ахборот технологиялари кенг жорий этилаётди.

Ички ишлар идоралари тизимидаги малакали, етук кадрларни етказиб беришда Ички ишлар вазирлиги академиясининг ўрни бекиб қолди. Мазкур даргоҳда бугунгача 10 минг нафардан ортиқ олий юридик маълумотли мутахассис, худди шунча сержант кадрлар ва 560 нафардан зиёд раҳбар кадрлар тайёрланди.

Ҳозирги кунда ушбу даргоҳда тингловчиларнинг замон талаблари даражасида таълим олишлари учун жаҳон андозаларига мос келувчи ўқув ва моддий-техника-ий база яратилган. Академиянинг инновацион педагогик технологиялар маркази, таълим телевидион маркази, замонавий ахборот-коммуникация тизими билан

жиҳозланган маъруза заллари, «Одам савдоси ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш» интерфаол ўқитиш маркази, Криминалистик тадқиқотларни ўрганиш маркази, «Намунали милиция таянч пункти» ўқув маркази ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс маркази тингловчиларни ўқитишда таълим жараёнига замонавий технологияларни татбиқ этишга хизмат қилмоқда.

Бугун ушбу таълим муассасасининг метин иродали ва юксак касб маҳоратини пухта эгаллаган навбатдаги битирувчилари эл-юрт тинчилиги ва осийшталлигини таъминлашдек масъулиятли вазифаларини амалда шараф билан бажариш учун йўл олмоқда.

– Болаликдаги орузим ушалои, офицерлик либосини кийганимдан қувончимни чеки йўқ, – дейди билим юртини имтиёзли диплом билан тামолаган лейтенант Сарвиноз Душанова. – Имтиёзли диплом олиш билан бирга ўз зиммама катта бurch ва масъулиятини ҳам олдим. Эндиги мақсадим эгаллаган билим ва малакамга таянган ҳолда эл-юрт тинчилиги ва осийшталлигини сақлашда садоқат билан хизмат қилишдир.

Иштирокчилар мутахассислик дипломи ва офицерлик унвонига эга бўлган ёш кадрларга юртимиз тинчилиги ва осийшталлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш каби масъулиятли вазифаларини бажаришда муваффақиятлар тилади.

Тадбирда Ички ишлар вазири генерал-майор А. Аҳмедбаев сўзга чиқди.

Абдуалим САЛИМОВ



Маҳалла меҳр-оқибат маскани эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис ҳам Ватан ичра кичик бир Ватан ҳисобланмиш маҳалла институтини янада ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Тадбирлар

ЯНГИ БИНО ИШГА ТУШДИ

Яқинда Сергели туманида жойлашган Ал-Фарғоний номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида ўзига хос тадбир бўлиб ўтди. Унда маҳалла фаоллари, нуруний кексалар, ота-оналар ва ёшлар иштирок этишди. Байрамона руҳда ўтган тадбирда маҳалла биноси бунёдкорлар томонидан замонавий тарзда қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилганлиги маълум қилинди.

Маҳалла фаоллари бу янгиликдан хурсанд эканликларини, фуқаролар манфаати йўлида янада жон-бозлик кўрсатиб фаолият юритишларини таъкидлаб ўтишди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

КАСБИЙ МАҲОРАТ — БОШ МЕЗОН

Ижро тизимига оид қонунчилигимизда суд ижрочиларига мажбурий ижро ҳаракатлари давомида уларга берилган ваколатлари янада кенгайтириш, қонунларининг ижроси муқаррарлигини таъминлаш механизмининг мустаҳкам базасини яратиш, суд ҳужжати ва бошқа органлар ҳужжатлари асосида суд ижросининг талабини бажаришдан бўйин товлаган ёки тўқсинлик қилган қарздорларнинг жавобгарлигини ошириш мустаҳкамланди.

Хусусан, суд департаментидида ҳуқуқшунос кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг адолатли механизми жорий этилиб, бунинг учун заҳира манбаини белгилаш, дастлабки ва асосий кадрлар заҳирасини шакллантириш, номзодларнинг ишчанлик қобилиятини баҳо-

Кейинги йилларда мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, самарадорлигини ошириш ҳамда қарорларни ижро этишининг қулай ва ишончли тизимини яратиш борасида туб ислохотлар амалга оширилди.

Суд ижрочилари ва суд ижрочилигига номзод заҳирадаги кадрларнинг соҳага оид қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўзлаштириш мақсадида семинарлар ташкил этиляпти. Бу эса соҳа ходимларининг қонунларини амалиётда тўғри ва аниқ татбиқ этишга хизмат қилмоқда.

Улугбек ҚАЮМОВ,
Суд департаментининг
Тошкент шаҳар ҳудудий
бошқармаси бош
инспектори

БМТ ЕВРОПА ИҚТИСОДИЁТ КОМИССИЯСИ МИССИЯСИНING ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур семинар БМТ Европа иқтисодиёт комиссияси ва Жаҳон банки маслаҳатчилари ҳамда мамлакатимизнинг ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган вазирлик, идора ва тадқиқот институтлари мутахассисларининг шаҳар ва қишлоқларни ривожлантириш, ер ресурсларини, уй-жой қурилишини бошқариш, биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш ҳамда қурилиш соҳасига замонавий технологияларни жалб қилиш бўйича жорий ва истиқболдаги масалаларни муҳокама этиш учун ўзига хос платформага айланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Қишлоқ қурилиш банк» мутахассислари, Ижтимоий тадқиқотлар институти, Иқтисодий тадқиқотлар маркази, лойиҳа институтларининг етакчи экспертлари, шунингдек, иқтисодий блок мутахассислари семинарда фаол иштирок этиб, халқаро маслаҳатчиларини Ўзбекистонда шаҳар ва қишлоқларни режалаштириш соҳасидаги мавжуд амалиёт, коммунал ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш бора-сида ҳаётга татбиқ этилаётган дастурлар, шаҳар-созлик ва кўчмас мулк кадастри соҳасидаги норма ҳамда тартиб-таомилларни такомиллаштириш, ердан фойдаланиш тизимига ахборот технологияларини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан таништирди.

Семинар яқини бўйича БМТ Европа иқтисодиёт комиссиясининг уй-жой ҳўжалиги ва ердан фойдаланиш бўлими раҳбари, халқаро маслаҳатчилари миссияси раҳбари Гулнора Ролл Ўзбекистонда шаҳарсозлик, уй-жой қурилишини ривожлантириш соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилгани, шаҳарлашув масалаларини ҳал этиш ва мамлакатимиз қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифатини ошириш борасида салмоқли тажриба тўпланганини ҳамда ушбу амалиёт ва тажрибадан бошқа мамлакатларда ҳам энг яхши амалиёт сифатида фойдаланиш кераклигини таъкидлади.

Халқаро маслаҳатчилар миссиясининг ташрифи асносида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, БМТ Европа иқтисодиёт комиссияси ва БМТ Тараққиёт дастури ўртасида Ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистонда уй-жой ҳўжалиги ва ердан фойдаланиш миллий шарҳини тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

БМТ Европа иқтисодиёт комиссияси халқаро маслаҳатчилари миссиясининг мамлакатимизга ташрифи 20 июнга қадар давом этди. Ташриф давомида ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган вазирлик ва идоралар мутахассислари билан тайёрланаётган миллий шарҳнинг асосий жиҳатларини муҳокама этиш ва ҳужжатнинг тегишли бўлимлари учун зарур материалларни тўплаш бўйича қатор учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, халқаро маслаҳатчилар мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида уй-жой қурилиш соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самаралари билан ҳам танишди.

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги
матбуот хизмати

МАЪНАВИЯТГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан турли соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш ва муносиб рағбатлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг 2014 йил 22 январда қабул қилинган «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан ташкил этилган маърифий тадбир худди шу мақсадга қаратилгани билан эътиборга молик. Унга санъат ва маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган театр арбоблари, фахрийлар, касаба уюшмалари фаоллари тақдиф қилинди.

Ўзбек Миллий академик драма театри директори М.Исмоилов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Б.Махмадиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни мустақил ва соғлом фикрли шахс этиб камолга етказишнинг муҳим воситаси сифатида театр санъатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу борада Ўзбек Миллий академик драма театрининг нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида профессионал театр санъатига асос солиш ва уни ривожлантириш, аинқиса, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтириш, ёш истеъдодларни тарбиялашдаги хизматлари бекиёс.

– Мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган улкан ислохотлар амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова. – Аинқиса, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган ишларга Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшаётди. Бу эътибор саломатлигимизни мустаҳкамлаш, фаолиятимизга рағбатни қучайтириш билан бирга, ёш авлод маънавий тарбиясига масъуллигимизни янада оширади.

Тадбирда Ўзбек Миллий академик драма театрининг бир гуруҳ ходимлари ва фахрийларига касаба уюшмалари санаторийларига бепул йўлланмалар берилди.

(ЎзА)

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Набиром Дилноза бионар дизайнини чизишга, макетлар ясашга қизиқади, — дейди ўзини Зулфия Фармонова дея таништирган онахон. — Коллежга таъминлаган, шу таълим муассасасига ҳужжат топширишга қарор қилди. Баъзи таниш-билишлар ичида «Қиз болага архитектор бўлишни ким қўйибди?» деганлар ҳам бўлди. Бироқ биз унинг ўз қизиқишидан келиб чи-

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 24 мартдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган Тошкент шаҳридаги Инха университети фаолияти ахборот тизимлари ва компьютер тармоқларини бошқариш бўйича малакали кадрлар тайёрлаш, ахборот-коммуникация технологиялари тармоғида узлуксиз таълим ва малака ошириш тизимини шакллантириш, илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, дастурий таъминотчилар

ОЛТИН ДАВР ОСТОНАСИДА

қиб танлаган бу қарорини қўллаб-қувватлади. Негаки, ўзи танлаган касбга меҳри юксак бўлган талабадан келажакда малакали ва етук мутахассис етишиб чиқади.

Бу йил абитуриентларни тест синовидадан ўтказиш сифати ва ҳолислик даражасини янада ошириш, уларнинг интеллектуал даражаси, дунёқараши ва мустақил фикрлаш қобилиятини баҳолашда бир қатор янгиланган жорий этилди. 2014/2015 ўқув йилида олий таълим муассасаларининг бакалавриятга талабаларни қабул қилишда математика фани бўйича тест синовидаги информатика ва ахборот технологияларига тааллуқли савол ҳамда топшириқлар берилди.

Абитуриентларнинг билим даражасини аниқлашда мутахассислик бўйича фанлар ролини тубдан ошириш мақсадида олий таълим муассасаларининг бакалавриятга қабул қилишда тест синовидаги киритилган фанлар рўйхатини қайта қўриб чиқиш ҳамда янгиланган босарида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Чет тиллар шахсни шакллантириш ва унинг билим даражасини ошириш, глобал ахборот маконида фаол мулоқотга киришиш, бошқа мамлакатларнинг маънавий бойликлари, илм-фан ютуқларидан ўз вақтида хабардор бўлиб боришда муҳим ўринга эга. Шу боис давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида бу йил тест синовлари тизимига 24 таълим йўналишида чет тиллар бўйича тест синовлари жорий этилаётди.

Бугунги кунда дунё бўйлаб ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланмоқда. Шу боис мамлакатимизда ахборот тизимлари ва компьютер тармоқларини бошқариш, дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқиш бўйича халқаро стандартлар даражасидаги юқори малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Дилшод КАРИМОВ,
УЗА мухбири



Танловлар

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ЭЪТИБОР

Мирзо Улуғбек туман маданият ва аҳоли дам олиш марказида Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти танловининг Мирзо Улуғбек туман босқичи ўтказилди.

Айтиш керакки, истеъодли ёшларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришда муҳим ўрнини инobatла олиб, ўзининг эстрада, мусика, мухтос қўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги ҳосилдаги маҳорати билан одамларнинг юрагига етиб борадиган, ёшларни эзгуликка қорлайдиган, уларни маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фалоллик қўрсатаётган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган иктидорли ёшлар кўрик-танловда қатнашмоқдалар.

— Бундай тадбирлар фарзандларимиз онгини, маданиятини, санъатга бўлган қизиқишини ҳамда маънавиятини юксалтириш мақсадида ташкил этилмоқда, — дейди Мирзо Улуғбек туман маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Раҳима Юсупова. — Ўтган давр мобайнида ушбу мукофотга 50 дан зиёд ёшлар сазовор бўлишди. Улар орасида «Ўзбекистонда хизмат қўсатган артист» унвони ҳамда бир қатор давлат мукофоти эга бўлганлар ҳам бор. «Ниҳол — 2014» кўрик-танловининг туман босқичига Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ва бошқа таълим масканлари ҳамда маҳаллаларимиздаги санъатга ихлоси баланд ёшларни жалб этдик. Улар 5 та йўналиш — эстрада, мусика, мухтос қўшиқ, опера ижрочилиги ва рақс санъати бўйича бор маҳоратларини намойиш қилишди. Тумандаги саралаш босқичида қатнашчиларнинг катта тайёргарлик қўришгани, санъатга бўлган иктидори истеъодлари юқориликни ҳис этдик. Номзоднинг профессионал тайёргарлиги, бадиий ижрочилик маҳорати, репертуар савияси (мусика, матн), ижтимоий фаоллиги, инсоний қасбларини етакчи мутахассислар томонидан баҳоладилар. Ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида Мирзо Улуғ-

бек туман маданият ва аҳоли дам олиш марказида Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти битирувчиларидан иборат «Нурафшон» театр студиясини ташкил этдик. 9 нафар ёшларимиз ушбу студияда фаолият қўрсатмоқда.

Опера йўналишида машҳур италиялик композитор Жорданонинг «Лорис» ариясини ижро этиб, шаҳар босқичига йўллангани кўлга киритган Аббосхон Раҳматуллаевни сўхбатга қорладик.

— Санъатга кириб келишимда ҳолам Ўзбекистон халқ артисти Шафрат Раҳматуллаевнинг ўрни катта, — дейди Ўзбекистон Давлат консерваториясининг опера йўналиши 4-босқич талабаси, Халқаро танловлар ғолиби Аббосхон Раҳматуллаев. — Фаргона санъат коллежидида опера йўналишида устозим Баҳриддин Шароповдан тахсил олганман. 2010 йилда Ўзбекистон Давлат консерваториясига ўқишга кирдим. Таълим масканида доцент Галина Мухамедова қўлида тахсил олмоқдаман. Навоий номидаги Давлат академик катта театрида стажёр солист сифатида фаолият олиб бормоқдаман. Консерваторияда ўқиб юрган кезларимда турли халқаро танловларда қатнашдим. Опера йўналишида Қозоғистонда ўтказилган танловда Гран-при, Москвада 2-ўринни кўлга киритдим. «Нафосат бўстони меним» Республика танловида 2-ўрин ва бошқа кўлаб танловларда фахрли ўринларни эгалладим.

Кўрик-танловнинг шаҳар босқичига йўллангани кўлга киритган қатнашчиларга туман ҳокимлиги томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар, фаол иштирокчиларга эса фахрий ёрликлар топширилди.

Замира РАХМОНОВА
Ислом Исмоилов олган сурат

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

UZTELECOM

Хурматли
ҳамшаҳарлар!

Ҳозирги кунда телефон кабелларининг ўғирланиши оммавий тус олиб, катта муаммага айланмоқда. Кабель линияларини қасддан шикастлаш натижасида нафақат «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали абонентлари — жисмоний шахслар жабрланмоқда, айти пайтда бу ҳол ҳокимият ва бошқарув органлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, шошилиш хизмат, шаҳар ҳаётини таъминлаш корхоналарининг ҳам алоқа тизимларининг фаолияти бузилишига олиб келмоқда. Кабелни ўғирлаш телефон тармоғининг узилишига, Интернет тармоғи, маълумотнома-сервис ва ахборот хизматларидан фойдаланиш имкониятининг чекланишига сабаб бўлмоқда.

«Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали иншоотларни қўриқлаш масалаларини ҳал қилиш, ўз мижозлари учун алоқани шикастланмишлар оқибатларини қайтариш ҳамда тиклаш бўйича бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда.

Айти пайтда, кабеллар ўғирланишининг олдини олишда, шунингдек, ўғирларни қўлга олиш ва жазолашда аҳоли томонидан бундай хатти-ҳаракатлар ҳақида ўз вақтида хабар берилиши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Кабелларни қасддан шикастлаш ҳолатларининг олдини олиш, шаҳар алоқа иншоотларини ҳимоялаш мақсадида «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали фуқароларни огоҳ бўлишга даъват этади. Шаҳар линияли-кабель иншоотларидан рухсат берилмаган ҳолда фойдаланиш, кабеллар, канализация қопқоқларини ўғирлаш ҳолатлари аниқланганда **102 ёки 233-69-95** телефонлари орқали хабар беришингизни сўраймиз.

UZTELECOM

Хурматли мижозлар,
«Ўзбектелеком» АКнинг «ТШТТ» филиали маълум қилади:

Қўрсатилаётган хизматларни яхшилаш ва телекоммуникация тармоқларини такомиллаштириш мақсадида, Шайхонтохур телефон боғламаси томонидан жорий йилнинг 27 июндан 30 июнига қадар ускуналарни режали реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади.

Ўтказилаётган реконструкция ишлари муносабати билан 226, 227, 228 - ЭАТС префиксларига эга бўлган телефон рақамлари 242, 249 - ЭАТС префиксларига алмаштирилади. Реконструкция ишларидан сўнг телефон рақамлари ўзгаради, шунингдек қайта улаш вақтида алоқада қисқа муддатли носозликлар бўлиши мумкин, етказилган ноқулайлик учун олдиндан узр сўраймиз.

Қайта улашга тегишли бўлган манзиллар:

Шайхонтохур тумани, Беруний, Кичик Халқа йўли, Шуманай, Зафаробод, Охакчи, Нурабод, Махтумқули, Тинчлик, Ипакчи, Бобур ва унга ёндош кўчалар, тор кўчалар ва берк кўчалар.

Маълумот учун телефон рақамлари: 242-21-70

«KOSONSOY TO'QIMACHI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичида босқич олиб бориш тартибидида ўтказилаётган очик аукцион савдосига тақлиф этади!
Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 21.07.2011 йилдаги 10-1117/7803-сонли, 09.03.2011 йилдаги 10-1008/21203-сонли, 16.05.2011 йилдаги 10-1114/4969-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уйда жойлашган ер участкасининг умумий майдони 481 кв.м., бино иншоотининг умумий майдони 979 кв.м., фойдаланиш майдони 832,15 кв.м. бўлган, икки қаватдан иборат ертўлали маъмурий бино тақдоран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 687 817 958,47 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 15 июль кунин соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2014 йил 11 июль кунин соат 18:00.

Қўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштрокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини қўрсатган ҳолда «Kosonsoy To'qimachi» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон Қ-даги 2028000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 2017122519/x/pга тўлашлари шарт.

Савдо ўтказилаётган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz Лицензия: RR-0001.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 2014 йил 8, 10, 15 ва 17 июль кўнлари бошланғич нархи босқичида-босқич ўсиб бориш тартибидида ўтказилаётган очик аукционга тақлиф этади!

Очик аукционга қўйидаги ҳўжалик жамиятлари устав фондидаги Ўзмилийбанкнинг 100% улушлари қўйилмоқда:

T/p	Объект номи	Сотилаётган объект		Аукционга қўйилаётган объект бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	сўм	АҚШ доллари
1.	"KINDER FRUITS" масъулияти чекланган жамияти	Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй	Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ва концентратланган пюре ишлаб чиқариш	16 450 897 500,0	7 269 733,26
2.	"FARG'ONA KIMOY ZAVODI" масъулияти чекланган жамияти	Фаргона вилояти, Фаргона шаҳри, Нозим Ҳўкमत кўчаси, 15-уй	Пахта целлюлозаси ва этил техник спирти ишлаб чиқариш	59 142 493 600,0	28 997 104,14
3.	"NAMANGAN QOQ'OZI" масъулияти чекланган жамияти	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Строителлар кўчаси, 50-уй	Ёзув ва офсет қўзғи ишлаб чиқариш	3 970 500 000,0	1 802 969,76
4.	"ASIA SOKATO" масъулияти чекланган жамияти	Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 12-уй	Минерал сув, меваги жем ва сабзавотли консервалар ишлаб чиқариш	1 463 700 000,0	717 640,71
5.	"NUKUS AGRO" масъулияти чекланган жамияти	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Самбай аўли	Томат пастасини ишлаб чиқариш	1 785 453 700,0	853 018,82
6.	"ASAKA MAK" масъулияти чекланган жамияти	Андижон вилояти, Асак шаҳри, Т.Алиева кўчаси, 5-уй	Макарон ишлаб чиқариш	3 546 012 000,0	1 610 213,42
7.	"VODIY MUZQAYMOGI" масъулияти чекланган жамияти	Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 5-уй	Муздаймоқ ишлаб чиқариш	1 064 409 000,0	521 871,45
8.	"OQ SAROY TEXTILE" масъулияти чекланган жамияти	Қашқадарё вилояти, Шахрисабз шаҳри, Беруний кўчаси, 44-уй	Ип-калага ва мато ишлаб чиқариш	54 385 350 518,0	24 696 917,95
9.	"KOSONSOY TO'QIMACHI" масъулияти чекланган жамияти	Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Истамбул кўчаси	Трикотаж ипи, жунли ва ярим жунли матолар, аёллар ишлаб чиқариш	24 500 000 000,0	11 125 238,40
10.	"ROYAL SILK" масъулияти чекланган жамияти	Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 12-уй	Табиий ипак ишлаб чиқариш	5 051 423 000,0	2 232 248,90
11.	"CHINOZ TEXTILE" масъулияти чекланган жамияти	Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, Самарқанд кўчаси, 100-уй	Ип-калага ва мато ишлаб чиқариш	35 517 582 000,0	16 500 542,16
12.	"NAM TEX" масъулияти чекланган жамияти	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 94-Б-уй	Ип-калага ишлаб чиқариш	10 787 016 789,82	4 898 291,16
13.	"NAMANGAN TO'QIMACHI" масъулияти чекланган жамияти	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 4-кичик туман, Тўқимачилар кўчаси	Ип-калага ишлаб чиқариш	62 941 505 000,0	28 228 561,11
14.	"ANDIJON CHARM" масъулияти чекланган жамияти	Андижон вилояти, Олтинқўл тумани, Оқтепа қишлоғи	Ийрик ва майда шохли мол терисини қайта ишлаш ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш	6 003 004 740,0	2 943 226,49
15.	"SOGDIANA PIPEPLAST" масъулияти чекланган жамияти	Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй	Полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш	3 145 245 000,0	1 542 089,14
16.	"GAZALKENT STONE" масъулияти чекланган жамияти	Тошкент вилояти, Бўстонқўл тумани, Заводская кўчаси, 1-уй	Гранит ва мрамор плиталар ишлаб чиқариш	5 790 000 000,0	2 838 791,92
17.	"XUMO TO'QIMACHI" масъулияти чекланган жамияти	Фаргона вилояти, Учқўприк тумани, Наврўз шохқўчаси, 2-уй	Ип-калага ишлаб чиқариш	10 454 271 000,0	4 747 194,17

Очик аукцион шартлари

Аукцион қўйилиб улуш сотилиш баҳосининг 15 фоиз миқдоридан кам бўлмаган маблағни аукцион ўтказилгандан сўнг бўнак пулини сифатида, қолган қисминини олди-сўлдат шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукционда сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш сўмасынинг қолдирмага фойзалар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунча қадар объектни ўзгага бериш ва унингни шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳўқуқисид (сотувчи — Ўзмилийбанк бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати «Kinder Fruits» МЧЖ, «Farg'ona Kimyo Zavodi» МЧЖ, «Namangan Qoq'ozi» МЧЖ, «Asia Sokato» МЧЖ, «Nukus Agro» МЧЖ, «Asaka Mak» МЧЖ, «Vodiy Muzqaymog'i» МЧЖ, «Oq Saroy Textile» МЧЖ, «Kosonsoy To'qimachi» МЧЖ, «Royal Silk» МЧЖ, «Chinoz Textile» МЧЖ, «Nam Tex» МЧЖ, «Namangan To'qimachi» МЧЖ бўйича 7 йилдан, «Andijon Charm» МЧЖ, «Sogdiana Pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent Stone» МЧЖ, «Xumo To'qimachi» МЧЖ бўйича 1 йилдан ошмаслиги лозим.

Ҳўжжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва сўғурталаш билан боғлиқ харажатлар), аукцион ташкилотчилигига тўланадиган комиссия тўловлар, аукцион ташкилотчилисининг аукционни ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда озога келадиган бошқа барча харажатлар харидор малағларига ҳисобидан амалга оширилади.

Аукционда иштирок этиш учун талабгор қўйидаги ҳўжжатларни тақдим этиши лозим:

❖ юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳўжжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳўжжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

❖ жисмоний шахслар учун — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳўжжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳўжжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

Гувоҳнома № 005357

«Камолот»

НАФОСАТ МАЛИКАЛАРИ
АНИҚЛАНДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан тумандаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-қизлардан иборат жамоалар иштирокида «Нафосат маликалари» шиори остида спорт-соғломлаштириш мусобақаси ташкил этилди.

Тадбир қизларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига доимий жалб этиш, уларнинг жисмоний тайёргарликларини текшириш, спортнинг бадий гимнастика ва аэробика йўналишларида маҳоратларини ошириш мақсадида ўтказилди.

Мусобақада тумандаги коллеж, лицей ҳамда умумий ўрта таълим мактабларидан 16 та жамоа иштирок этди.

— Бўлиб ўтган мусобақада ижро этилган мусикали синхрон рақсларнинг спорт машқуларидан фойдаланган ҳолда саҳналаштирилганлиги, рақслардаги мураккаб спорт усуллари, машқуларни бажарилиш техникаси, иштирокчи жамоаларнинг миллийликка асосланган спорт либосларида бўлишларига ҳакамлар ҳайъати томонидан алоҳида эътибор қаратилди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши бош мутахассиси Бехзод Каримов. — Хар бир жамоада 10-15 нафар кишидан иборат қизлар шаклланган бўлиб, улар ўзлари танлаган ўзбек мусикасига саҳналаштирилган спорт рақсларини намойиш этишди.

Мусобақа якунларига кўра 1-Тошкент педагогика коллежи жамоаси олий ўринни, Чилонзор тиббиёт коллежи жамоаси ҳамда 181-сонли умумий ўрта таълим мактаб жамоаси фахрли 1-ўринни қўлга киритди.

Спорт соғломлаштириш мусобақа якунида голиб жамоалар ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бундан ташқари 5 та таълим муассасаси жамоасига лойиҳадаги фаол иштироки учун Ҳаракатнинг фахрий дипломи топширилди. «Энг яхши мураббий» номинацияси эса Чилонзор тиббиёт коллежи жамоаси мураббийси Митхат Фитхатовга насиб этди.

Бундай мусобақалар ёшлар, айниқса қизлар ўртасида спортни янада оммалаштиришга хизмат қилади.

Тошкент Ислон университетида «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти томонидан ташкил этилиб келинаётган «Камолот шоу ёхуд тафаккур синовлари» беллашувининг якуний финал босқичи бўлиб ўтди.

ТАФАККУР СИНОВЛАРИ

Беллашувда университетнинг информатика ва ахборот технологиялари йўналиши 1-босқич талабаларининг «Ёш программистлар» ҳамда дин социопсихология йўналиши 1-босқич талабаларининг «Шижоат» жамоалари катнашди.

— Тадбир ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавият, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштириш, эришилган ютуқлар бўйича тарих, сиёсий-ҳуқуқий билимлари даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман Кенгаши раиси Лазиз Тўраев. — Талабалар ушбу тадбирда бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари билан биргаликда, ўзлари учун қимматли маълумот ва қўшимча билимларга эга бўлдилар.

Ўзига хос тарзда ўтган бу тадбир тезкор савол-жавоб, қизиқарли пантомима, тест ва мантқий савол-жавоб шартлари асосида ўтказилди. Қизгин баҳсларга бой тарзда ўтган беллашув натижасида «Ёш программистлар» жамоаси 1-ўринни эгаллади.

Ғолиб жамоа «Камолот» ЁИХ Шайхонтоҳур туман Кенгашининг қимматбах оёсдалик совғалари ва «Камолот» белгиси билан тақдирланди.

Зарина РУСТАМОВА



Шаҳримиздаги Ёшлар ижод саройида Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат Кенгаши ташаббуси билан «Соғлом бола йили» Давлат дастурига менинг ҳиссам» шиори остида «Маънавият эҳсони» хайрия акцияси ўтказилди.

ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ

Тадбирда барча туманлардан фахрийлар, маънавият ва маҳалла фаоллари, иқтидорли ёшлар, турли кўрик-танлов ғолиблари, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари, имконияти чекланган болалар иштирок этди. Мазкур акцияни ўтказишдан асосий мақсад иштирокчиларнинг маънавий-эстетик дунёқарабини бойитиш, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришини таъминлаш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

— «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган тадбирда катнашаётганимиздан мамнунмиз, — дейди Тошкент Автомобиль-Йўллар институти маънавият ва маърифат бўлими бошлиги Абдор Латипов. — Кўргазма билан танишар эканмиз, албатта юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, ёшларга яратилаётган шарт-шароитларни ёш рассомларнинг асарларида акс этганини кўрдик. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бундай тадбирлар ёшларни Ватанга бўлган муҳаббатини янада оширишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

— Тадбирга санъатга муҳаббати юқори бўлган маҳалламиз фарзандлари билан тартиф бурдик, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги Ҳумоюн маҳалла фукаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Наргиза Юсупова. — Санъат чегара, тил билмайди деб бежиз айтишмайди. Албатта санъат кўз билан кўриб, ақл билан фаҳмлайдиган ижод ҳисобланади. Хар битта чизилган асарда ижодкорнинг фикр-ўйи намойён бўлган. Она табиатимиз, халқимизга хос бўлган урф-одатларимиз, анъаналаримиз гўзал жи-

лорларда тасвирланган. Бундай маънавий тадбирлар ёшларни хар томонлама баркамол ва етук бўлиб вояга етишлари, келажагимизни истиқболли бўлишини таъминлайди. Нафақат спорт, санъат, маданият, маърифат соҳасида ҳам хар томонлама ўзларининг фикр ва қарашларига эга бўлишлари муҳимдир.

Ўзига хос тарзда ўтган тадбирда расмчилик, амалий санъат, хунармандчиликка ихтисослашган таълим муассасалари ўқувчиларининг ижод намуналаридан кўргазма ташкил этилди.

— Турли хил мавзуда чизилган расмлар менда катта таассурот уйғотди. «Менинг оилам», «Бахтли болалик» деб номланган расмлар ёрқин рангларида чизилган ва танланган мавзу чиройли тасвирланган, — дейди Олмазор туманидаги 326-амалий санъат мактабининг 8-синф ўқувчиси Гулсала Бахтиёрова. — Мен мактабда ташкил этилган тўқиш, зардўзлик, тиқиш тўғралакларига биринчи синфидан бери қатнашиб келаман. Биринчи ишим чойнак устига ёпадиган қопқоқ бўлиб, устозим Васила оладан тиқиш сир-асрорларини ўрганганман. Кўргазмадаги ижодий ишлар менга ҳам илҳом бағишлади. Мен ҳам келгусида яратадиган асарларимда айнан ўзига хосликни акс эттиришга ҳаракат қиламан.

«Маънавият эҳсони» хайрия акцияси доирасида Ўзбекистон Бадий академияси тасарруфидаги Республика рассомчилик катта мактабига ўқувчи ҳамда ўқитувчилари томонидан яратилган бадий асарлар иштирокчиларга эсдалик совғалари сифатида топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислон Исмоилов олган сурат

Табиат, атроф-муҳит гўзаллиги, озодаллиги инсонга ўзгача хуш кайфият бахш этади.

«101»

ТАБИАТНИ АСРАШ
БАРЧАНING БУРЧИ

Киши билан интиқ бўлиб қутилган майсалар баҳорда кўзни қувонтириб кўкка бўй чўзган сари иссиқ ёзнинг тафти ҳам кучаяди. Ўз навбатида кўм-кўк бўлиб дилларга ором бахш этган майсалар ёзнинг иссиғидан қуруқ ўт деб номланувчи, ёнгинлар сонининг кескин кўпайишига сабаб бўлувчи омилга айланиб боради.

Ақоли орасида яшаш жойи, кўча майдони, масканлар атрофини қуриган ўтлардан тозалаш, йиғилиб қолганларини махсус акратилган жойларга олиб чиқиш лозимлигига эътибор қилмайдиганлар топилади. Ўз навбатида осонгина ёқиб юборилишига йўл қўйишади. Арзимас бўлиб қуриган гулхан, ўчирилмаган сигарета қолдиқлари, болаларнинг кўчада гугурт ўйнашлари оқибатида катта талафотларга сабаб бўлувчи ёнгин келиб чиқди. Натижада инсонлар тан жароҳати олиши, моддий зарар кўриши мумкин.

Ёнгинлар натижасида нафақат моддий, балки атроф-муҳит об-ҳавосига зарарли таъсирлар ҳай қузатилади. Бундан ташқари турли заҳарли газлар чиқиши, ёнган ўтлар ўрнида қора тўсга қирган дилини хира тортишига сабаб бўлувчи ёқимсиз манзарага дуч келинади. Бу каби ёнгинлар деярли шаҳримизнинг аксарият туманларида юз бермоқда.

Масалан, жорий йилнинг 21 май кунини Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 73-уй олдидан ва 4 июнь кунини Қўйлик 3-мавзесида жойлашган «Чебурашка» боғи ҳудудида айнан қуриган ўтларнинг ёқиб юборилиши натижасида ёнгин содир бўлган. Қўйликлари хира қилувчи ёнгинни ўчиришда ёнгин хавфсизлиги ходимлари жонбозлик кўрсатишди.

Шаҳримиз ҳудудларида йиғилган ахлатлар, қуриган ўтлар, ҳазонлар, шох-шаббалар ёқиб юборилиши, кўп ҳолларда гулханлар ўчмасдан тутаб туриши, атрофга ёқимсиз ҳид тарқалиши натижасида баъзи инсонларда турли аллергия хасталикларининг кўзгаллишига ҳам сабаб бўлади.

Кундалик ҳаётимизда учраб турадиган бу каби кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмаслиги учун хар бир фуқаро ўз яшаш уйида, ўзининг атрофида, дам олиш масканларида озгина эътиборли бўлиб шаҳримиз гўзаллиги, ободлигига ўз ҳиссаларини қўйишлари лозим.

Шероод ҲАМИДУЛЛАЕВ,
Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори,
кичик сержант

ОСИЁНИНГ ЁШ
ШАХМАТЧИЛАРИ
ТОШКЕНТДА
БАҲСЛАШМОҚДА

Пойтахтимизда шахмат бўйича 12 ёшгача бўлган ўғил болалар ва қизлар ўртасида Осиё чемпионати бошланди.

Нуфузли мусобақа Осиё шахмат федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда мамлакатимиз шахмат федерацияси томонидан ёшлар ўртасида шахматни янада оммалаштириш, спортчиларимизнинг халқаро тажрибасини ошириш, ўзбек шахмат мактаби имкониятлари ва салоҳиятини кенг тарғиб этиш мақсадида ташкил этилди.

Чемпионатнинг очирилишида Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири М.Хожиматов, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Э.Искандаров ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, юксак интеллектуал салоҳият эгалари этиб тарбиялашнинг муҳим воситаси сифатида спортни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда кўплаб спорт турлари катори шахмат ҳам тобора оммалашмоқда. Ўзбек шахматчилари жаҳон ва қитъа чемпионатлари, турли нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб, юқори натижаларга эришмоқда. Шахматчиларимиз Осиё чемпионатларида кўлга киритаётган медаллари йил сайин ортиб бормоқда.

2012 йилнинг июнь ойида пойтахтимизда илк мартаба 20 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз учта қумуш ва битта бронза медални кўлга киритди. Шри-Ланканинг Хикадува шаҳрида 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида ташкил этилган Осиё чемпионатида ФИДЕ устаси Темури Игонин биттадан қумуш ва бронза медал билан тақдирланди.

2013 йили Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа шаҳрида 20 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасидаги Осиё чемпионати доирасида ўтказилган блиц-турнирда Сарвиноз Қурбонбоева бронза медалига сазовор бўлди. Эронда ўтказилган қитъа чемпионатида шахматчиларимиз учта олтин, иккитадан қумуш ва бронза медал жамғарди. Чемпионатда бир йўла учта олтин медални кўлга киритган Ислонбек Синдоронинг истеъдоду маҳорати муҳлису мутахассислар томонидан юксак баҳо-ланди.

Шри-Ланкада мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган IX Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари бешта олтин, учта қумуш ва битта бронза медални кўлга киритди.

Шахматчиларимизнинг бундай ютуқлари жаҳон миқёсида ҳам мунтазам охиб бораётгани қувонарлидир. Яқинда Грециянинг Кавала шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ака-ука Ислонбек ва Жавоҳир Синдорон иккитадан олтин медални кўлга киритиб, Ўзбекистон ёшларининг ақл-заковати, истеъдод ва салоҳиятини бутун дунёга намойён этди.

— Ўзбекистонда шахмат бўйича йирик спорт анжуманларини юқори савияда ташкил этиш яхши анъанага айланган, — дейди ливанлик ҳакам Илос Хайрулло. — Ўзбек шахматчиларининг халқаро майдонлардаги галабалари ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амал-дағи ифодасидир.

Пойтахтимизда бошланган Осиё чемпионатида 200 нафарга яқин шахматчи ғолиблик учун дона сурмоқда. 28 июнга қадар давом этадиган мусобақада Ислонбек ва Жавоҳир Синдорон, Нодирбек Абдусаторов, Лобар Раҳматжоннова ва Дилбар Ҳамроева сингари истеъдодли ёш шахматчилар мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётди.

Байрам АЙТМУРОВОВ,
ЎЗА мухбири



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 25 ва 26 июнь эрталаб 25 июнь кунини ҳаво ўза-Тошкент шаҳри об-ҳаво-риб туради, ёнғинчилик шариоити шаҳар ҳаво му-бўлмайдми. Шарқдан се-ҳаётда зарарли моддалар-кундига 3-8 метр тез-нинг саққали қолишига-ликда шамол эсади. Ҳоро-имконият яратади, таг-рат кечаси — 20-22, кун-миқдори наст бўлади.

Тошкент Оқшом

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбўотчилик кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95
факс (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбўот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Бу юртга Г-656

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11961 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроил

Босишга топширилди: 13.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚМОВ